

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 15 (6.696). Sotuvda erkin narxda

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайити азалдан юртимизда халқимизга хос меҳр ва муруват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келаятгани, ушбу айёнда ёши улуг кексаларга ҳурмат-эҳтиром, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ва ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш хайрли анъана эканини, бу сананинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам - Қурбон ҳайити даим олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 2004 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 1 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарори эътироф этилсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.
2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 27 январь.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ



29 январь куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Олий Мажлисга Тошкент вилоятидан сайланган депутатлар иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимизни улкан қурилиш, ободончилик ва бунёдкорлик майдонига менгаш мумкин. Барча вилоят ва туманларда, шаҳар ва қишлоқларда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Бу янгиланишлар нафақат Ватанимиз қиёфасида, балки

халқимизнинг онги ва шуурида ҳам ўз инъикосини топмоқда. Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида бўлаётган ўзгаришларни мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг, улкан бунёдкорлик ишларининг узвий бир қисми сифатида баҳолади.

Тошкент вилоятининг мамлакатимиздаги ўрни ва мавқеи, инфратузилмаси ва коммуникацияси, табиий захиралари ва инсон ресурслари бекиёс. Юртимизда ишлаб чиқариладиган sanoat маҳсулотларининг 10 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 12 фоизи шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.



Афсуски, сўнгги йилларда вилоятнинг обрў-эътиборига соя соладиган камчилик ва нуқсонлар кўпаймоқда. Вилоят кўпгина соҳалар ва йўналишлар бўйича ортда қолмоқда.

Юртбошимиз вилоятдаги аҳвол ҳақида очик-ойдин гапирар экан, ижтимоий соҳадаги муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтди. Айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги аҳвол аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

У.Мирзақулов нафақага чиқиши муносабати билан Тошкент вило-

яти ҳоқими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислам Каримов тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимда ишлаб келаятган Қозим Тулаганов Тошкент вилояти ҳоқими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Қибрай туманидаги «Маданият» ширкат хўжалиги раиси Акмал Назаров, Паркент тумани ҳоқими Мирзамашраб Кўчичев, Бўка тумани ҳоқими Жўрабой Миралимов, Янгийўл шаҳридаги 3-мактаб директори Равза Зинурова ва бошқалар

Президентимиз нутқида белгилаб

берилган вазифаларни изчил амалга ошириш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш вилоят аҳолининг асосий вазифаси эканини таъкидлади. Воҳанинг азалдан обрў-эътиборини тиклаш, катта салоҳият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, шуҳратини янада юксалтириш учун вилоят меҳнатқашлари куч-ғайратини аямаслиги ва ташаббускорлик билан меҳнат қилишини қайд этди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ, ЎЗА мухбири.

СУРАТЛАРДА: Сессия пайти. А. ТУРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

## БОҒИНГ ВАТАН ДЕГАН НОМ ОЛСИН, ЭЙ ДЎСТ!

Бу дунёда яхши-ёмон кунлар кўрдим, Уқинчм йўқ, майли йиллар қаддим эгсин, Мен ҳамон бир аскарингман, она юртим, Сен томонга отилган ўқ менга тегсин!

Ҳали қомил атолмасман маконимни, Бекам одил сақолмасман замонимни, Лек киприкда сақлайман бу давронимни, Бу давронга отилган ўқ менга тегсин!

Юртим, олис йўлга чиққан қарвонинг бор, Қарвонингга посбон уйғоқ сарбонинг бор, Эл дардида ҳаловатсиз ўғлонинг бор, Шу инсонга отилган ўқ менга тегсин!

Тонг нурусан, Ватан, қалбим осмонда, Эркинг азал аждодларнинг армонда, Меҳринг абад авлодларнинг иймонда, Шу иймонга отилган ўқ менга тегсин!

Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада, Бу ниҳол отини яхшилик ата. Ниҳолни ёнига бир гул экиб қўй, Бу гулнинг отини гўзаллик деб қўй. Гули ниҳолнинг бахш этиб ҳаёт, Сув бер ва бу сувга меҳр деб қўй от. Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст, Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст!

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

К.Н.Тўлагановни Тошкент вилоятининг ҳоқими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ: Қозим Носирович Тулаганов Тошкент вилоятининг ҳоқими этиб тайинлансин.

Тошкент шаҳри, 2004 йил 29 январь

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

К.Н.Тўлагановни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Қозим Носирович Тулаганов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

Тошкент шаҳри, 2004 йил 29 январь

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

У.М.Мирзақуловни Тошкент вилоятининг ҳоқими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Умнат Маматқулович Мирзақулов нафақага чиқиши муносабати билан Тошкент вилоятининг ҳоқими вазифасидан озод қилинсин.

Тошкент шаҳри, 2004 йил 29 январь

## ТАДБИРЛИ ТАНГ ҚОЛМАС

Мамлакатда тинч эпидемиологик вазиятни сақлаш доимий оғоҳликни талаб қиладиган масъулиятли вазифадир. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар куни дунёда қанчалик кўп ва хавфли инфекциялар билан касалланиш кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар тўплайд...

нинг асосий сабабларидан бири - келмуручи зараркундларнинг кўпайиши ва уларни йўқ қилиш тадбирларининг етарли даражада ўтказилмаётганидир. Мутахассисларнинг фикрича, «омск» иситмаси кўпроқ Фарб давлатларида учирайди ва Урта Осиё ёш хос эмас. Бу касаллик одамдан одамга ўтмайди, унинг олдини олиш учун вакциналар йўқ ва касалликка чалинган беморларни даволашда фақат клиник аломатларига хисобга олинади.

## ТЕЖАМЛИНИНГ ИШИ БЕЖОҒЛИ

Когон туманидаги «Олтин тола» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўтган йилни катта фойда билан якунлади. Айни кунда ҳам корхонада иш қизгин, пахта хом ашёси сифатли қайта ишланмоқда.

Ишлаб чиқаришда энг асосий масала тежамкорликдир. - дейди корхона раҳбари Фазлиддин Абдуллаев. - Фойда ҳам шу орқали келади. Илгари электр энергияси учун катта харажат кетарди. Эски ускуналар таъмирланиб, қисқа технологияга ўтилган, сарф - харажат уч карра камайди. 194 та двигателнинг 50 таси олиб ташланди. Тола чиқиши эса икки фоизга ошди.

### ИСЛОХОТ

Бугун корхонада 478 киши ишлаётган бўлиб, 33 минг 225 тонна, асосий қисми юқори навлар бўлган пахта хом ашёсини қабул қилиб олган эди. Бугунгача акциядорлар қарий 20 минг тоннадан зиёд пахта хом ашёсини қайта ишладилар.

(Давоми 3-бетда)

### МУАММО

Дарҳақиқат, сувнинг ҳаёт манбаи эканлигини яхши биламиз. Бироқ, негандир ундан тежаб фойдаланиш кераклиги ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз. Бугун сув масаласи бутун дунё олдида энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди.

## АРИҚДА ОҚҚАН СУВ ҚАДРИ

айланиб бориб яна сувда тўхтайдми. Ундан оқилонга фойдаланиш лозимлиги ҳақида сўз боради. Мазкур йўналишда қилинган тағриботларни-ку асти сўраманг, сарҳисоб қилсангиз, нақд қозоғга қумиласиз. Аммо наҳия ундириб бўлмайди-ку, ахир. Ерни қўя туринг. Инсоннинг ўзи сувсиз яшай оладими? Йўқ албатта. Чунки ҳар бир жонзод сув билан тирик.

(Давоми 2-бетда)

## ТЎҒРИЛИК - САОДАТ ЭРУР

Жаҳон тўғрилиқдан барпо бўлган. Тўғрилиқ борки, жаҳонда нур бор, ҳаёт бор. Дунёнинг устуни - тўғрилиқ. Акс ҳолда ер юзи остин-устун бўлиб кетармиди.

### МАЪНАВИЯТ

Бу гаплар гоят оддийдек, бироқ пурхикмат маъно беради. Демак, диёнатли одамнинг қалби ҳам, кўзи ҳам, қулоғи ҳам, тили ҳам тўғри бўлиши керак. Эгри одамда эса бунинг тескариси бўлади. Яъни, қалбнинг иғво, қулоғини ёлғон, кўзини таъма забт этган бўлади. Хасадга, иғвога, ёлғонга, таъмага хирс қўйишлик диёнатсизликдан - эгриликдан бошқа нарса эмас.

(Давоми 4-бетда)

### ИБРАТ

Олтинқул туманидаги С.Ашуров номи ширкатда йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилишидан сўнг хўжалик фаолиятига оид баъзи бир қайдлар сабаб молия-ҳисоб марказига кирдик.

## РАҚАМЛАР ЗАМИРИДАГИ МАНТИҚ

хона. Деворларга битилган ҳикматлар, шеърлар ва яна машоихларнинг инсонни қомилликка ундовчи ўғитлари. Хона мезбони бўлмиш Исмоилжон ака Хусанов билан кўзидидаги самимийлик боис маърифат ва қомил инсон мавзусидаги суҳбатимиз табиий тарзда бошланиб кетди.

(Давоми 3-бетда)

БОЖХОНА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 28 июлдаги ПФ-3264 сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида божхона ходимлари томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ФИРИБИ ИШ БЕРМАДИ

эса чегараланмаган миқдорни ташкил этади. Таъкидланганда кўп бўлган валютани олиб чиқиш республикамиз Марказий банки ёки Бош лицензияга эга бўлган ваколатли банк рухсати билан амалга оширилади.

РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САКЛАШ ВАЗИРЛИГИГА БМТНИНГ ОИВ - ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАХСУС ГРУҲИ ТУМАНДА ЖОНАТАН МАНН СОВРИНИ ТОШИРИЛДИ.

ЖОНАТАН МАНН СОВРИНИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТ ОИТС дастурининг маълумотиغا кўра, 2003 йилда дунё аҳолисининг 5 миллион нафари ОИВ касаллигига чалинган.

А. ҒАҒФОРОВ, "Туркистон-пресс"

"ЎЗИМИЗНИНГ ОТАНАЗАР"

...Автобус белгиланган бекатга келиб тўхтади. Отаназар соатига қаради. Етти ярим. У йўловчиларнинг миннатдор чохларини кўриб, чарчогини унутди, ҳаммаси билан саломлашиб, илҳқ сўрашди.

Онабиби опа кўчага уч-тўрт марта чиқиб келди. Кўнгли хавотирда: келармикан? Келмаслиги ҳам мумкин. Сабаби, йўловчи бекатга чиқиши керак. Аммо унга юки оғирлигини айтиб, уйдан олиб ўтишини сўраганди.

Отаназар ўзи ишлаётган "Урганчйўловчи" акциядорлик жамиятида тафтиш комиссиясининг раиси сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Отаназар ўзи ишлаётган "Урганчйўловчи" акциядорлик жамиятида тафтиш комиссиясининг раиси сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

осишиб, уни яна бизга берди. Ишқилиб, шўпиримизнинг бахти ётмасин, дейди уруш фахрийси Бекжон ота.

роз ёки шикоят эшитмадик. Аксинча, ўйлаб миннатдорчилик мактублари олаямиз. Моҳир хайдовчи жамоамизда алоҳида ҳурмат ва эътиборга эга.



олди уни бошқа йўналишга қўймоқчи бўлганларида беш-олти киши бўлиб трестга бордик ва халқимиз талабини айтдик. Ёшуллилар кулоқ

Аҳмаджон РАҲИМОВ, СУРАТДА: О. Отажонов (ўнгда) йўловчилар билан.



"КЕЧИРИНГ, ДЎППИЖОН..."

Луқмон ака Жарқўрғоннинг Какайди қўрғонидан. Умр бўйи дохиноначи бўлиб келяпти. Адабиётни жонидан яхши қўради. Нозик сўзу ибораларни зшитаринг...

ФАЙРИТАБИЙ УЧРАШУВ

Олти ойдики, Сурхондарёда бензин кўпинча муаммо, топиш қийин. Топилганда нархи осмонда. Ёниги қуйиш шохобчаларида бензин бир кун бор бўлса, уч кун йўқ.

Менгнор ОЛМУРОДОВ

МИКРОФОНДАН КЎРҚҚАН БОЛА

Абдурахмон домла - устозим. Дилқаш инсон. Йўлим тушиб қишлоққа борсам, албатта суҳбатини оламан.

Раҳматулла СУЛТОНОВ

ШАМОЛЛАТДИМ

Ингичка қишлоғилик Усмонкул ота невараси Содик билан булуғурлик дўстининг тўйига бораётган эди.

Хуршид АЛМУРОДОВ

2004 йил - Меҳр ва мурувват йили!



Ўзаро меҳр-оқибат, самимият ва ёши улуғларга ҳурмат бажо келтириш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

АРИҚДА ОҚҚАН СУВ ҚАДРИ

(Боши 1-бетда) -Очиғи, сув масаласида айтса арзиғулик ютуқларимиз бор. Аммо камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

А. ҒАҒФОРОВ, "Туркистон-пресс"

ХАТОДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИЛСА...

Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш асосан ҳуқуқ-тартибот идораларининг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади.

Бекобод тумани прокуратураси томонидан ҳам ўтган йил давомида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан биргаликда қонунчиликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак. Текширишларнинг натижаларига кўра ўтган вақт давомида 459 та прокурор таъсир чоралари қўрилган.

Текшириш давомида аниқланишча, туманда мавжуд қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида оғохлантириш берилган.

ТАДБИРЛИ ТАНГ ҚОЛМАС

(Боши 1-бетда) Бу кенг кўламада ўтказилган мақсадили профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар натижасидир.

Ушбу касаллик аниқланган ҳудудларда маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳўжалик раҳбарлари бундай тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб, майда чорва моллари қанасига қарши курашиш учун қўшимча маблағ ажратмоқда.

Дунёда ҳозирча геоморрагик ситмага қарши вакцина ишлаб чиқилгани йўқ. Шу боис республикамизда ушбу инфекция билан хасталанган беморларни даволаш учун касалликни бошдан кечирган одамларнинг қонидан фойдаланишмоқда.

А. ИВАНОВА, ЎЗА МУҲБИРИ.

КЎРГАЗМА

Пойтахтимиздаги "Узэкспомарказ"да юртимизнинг экспорт ва инвестиция салоҳияти билан таништирувчи кўргазма ўтказилмоқда. Унда республикамизда фаолият юритаётган юздан ортқ фирмалар ва корхоналар ўз махсулотларини намойиш этмоқда. Кўргазма залларидан озик-овқат, енгил сановат махсулотлари, мебель жиҳозлари, сановат моллари, дори-дармонлар, электрон технологиялар, автомобилсозлик, авиация, қишлоқ хўжалиги, минерал ресурслар, хуллас барча турдаги махсулотлар ўрин олган. Сифати хорижликдан қолишмайди. Буни кўргазмага ташриф буюрган кишилар ҳам эътироф этишмоқда.

ТАНЛАБ, ЁҚҚАНИНИ ОЛАСИЗ

Бахтиёр Ирмагов, "Узэкспомарказ" бош директори: - Асосий эътиборни экспорт имкониятларини намойиш қилишга қаратганимиз. Очиги, кўргазмалар залига киришни билан ўзим ҳам ҳурсанд бўлиб кетаман. Ҳаммаси ўзиники. Ахир илгирлари бунақанги шароитлар йўқ эди-да.

Шухрат Рамазонов, "Узқишлоқхўжаликмашхўлдинг" компанияси масъул ходими:

Кўргазма юқори савияда ташкиллаштирилган. Биз компаниямиз таркибидagi завод ва корхоналарда ишлаб чиқарилаётган техникаларни намойиш этмоқдамиз. Масалан, бу ерга Ташкент трактор заводида, "Узкейстроктор" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган турли русумли тракторларни, уларга тиркаладиган мосламаларни келтирдик. Бундан ташқари, "Мотор" заводи, "Технолог" ОАЖ махсулотлари ҳам бор. Қимми, махсулотларимизга қўшма, мархамат, шартнома тузишга таябмиз.

Григорий Ким, "Тошқишлоқхўжалик" заводи бош конструктори:

Намойиш шунчаки ўтказилмайдиган. Мақсад - харидор топиши. Уни нима қизиқтиради? Албатта, олаётган махсулотнинг нархи ва сифати. Маълум қилса, сотиб олади. Масалан, намойишга "ТДБ-5" русумидаги баронани келтирдик. Узунлиги 5 метр бўлган бундай усқунанинг нархи қўшимча қиймат солиғи билан 6 миллион 540 минг сўм туради. Худди шундай баронанинг 3 метрлиги эса 5 миллион 206 минг сўм. УК-4 култиватори эса 2 миллион 450 минг сўм туради. Бошқа тур махсулотларимиз ҳам бор. Сифати харидорнинг қониқтиради, деб ўйлаймиз.

Абдумалик Каримов, Оққўрғон туманидаги "Покиза-М" фермер хўжалиги раҳбари:

Фермер бўлиб, республиканинг энг катта кўргазма залида ўзим етиштирган махсулотлар билан қатнашаман деб сира ўйламагандим. Қаранг, шароит дегани шунчалки бўлади-да. Бу ерга фермер хўжалигимизда етиштирилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги махсулотларини келтирдик. Махсулотларимиз хорижликларни ҳам қизиқтиради қолса, ишимиз янада юришиб кетарди. Назаримда, мана шундай кўргазмаларга фермерларни тез-тез жалб қилиб туриш керак. Чунки бу ерда чет эллик ҳамкорларни топиш имконияти кўпроқ.

(Ўз мухбиримиз)

РАҚАМЛАР ЗАМИРИДАГИ МАНТИК

(Боши 1-бетда)

Ўша мақола Андижон вилояти ҳамда барча туман газеталарида кўчириб босилганди. Бугун ўша мақолани қўлга олсангиз моддий манфаатдорликни ошириш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар хозирги кунда ҳам қимматли эканлигини сеза olasiz.

Очигини айтганда, ҳисоб-чилик касби одамни бирмунча "пишир"роқ қилиб тоблайди. Улар жамоанинг сўми туғул тийини учун ҳам жон куйдиришади. Ана шу "куйдириши"лик баробарида баъзиларда гинаҳонлик ҳам туғил қолади. Бу масалада Исмоилжон Хусановнинг ҳос фикри бор. Айтадиги, иқтисод энг аввало инсон манфаатига, рўшнолигига хизмат қилсин.

ТЕЖАМЛИНИНГ ИШИ БЕЖОҒЛИ

(Боши 1-бетда)

Ҳаёли бошқа жойга кетиш ё фирморлик қилишда бўлади.

Корхонадаги иш жараёни билан танишдик. Турдош заводлардан фарқи равишда бу ерда озодликка жиддий эътибор берилар экан.

-Ишхона ҳам ҳовлидек гап. Ивирсиб ётса кайфиятга ёмон таъсир қилади. Супуриб-сидириб қўйилса-чи, ғайратга ғайрат қўшилиди, чарчамайсан ҳам, - дейди Фазлиддин Абдуллаев. - Қолаверса, тозалик саломатлик учун ҳам мумкин.

Корхона раҳбаридан илгорлару дангасалар ҳақида сўрадик. У қулди: "Эринчоқларни учратмайман, балки бу менга кўринмас, аммо илгорлар билан учраштиришим мумкин. Масалан, ана улардан бири "жин"олдида ишлаяпти.

Ишчилар билан суҳбатимиз дарров қовушди. Улар газетга корхона ҳисобидан обуна бўлиганини ҳам, мунтазам ўқиб боришларини ҳам яширишмади.

- Шу ерда ишлаётганимдан мамнунман, машии ҳам ёмон эмас, дейди тажрибали ишчи Сайдулла Номозов. - Ҳанга ортқ шогирдлар ҳам ортирганман. Шундай бўлса-да, бирор камчилигини кўрсатса, Сайдулла ака, мана мундай қилсангиз усқуна яхши ишлайди деса хурсанд бўламан, маслаҳатига қулук тутаман.

- Мен заводга қарашли пахта қабул қилиш манзилида ишлайман, - дейди Отамурод Отабоев. - Ҳозир малакали мутахассислардан тажриба ортираялман. Мақсадим тез ва бехато ишлашни ўрганиш.

Корхона раҳбари бу гапга ҳам қулиб қўйди. Сўнг фахрланғи билан биринчи айтиди: "Бизнинг асосий кучимиз мана шу ёшлар. Заводимизнинг эртанги куну ҳам уларнинг қўлида."

- Жамоамиздаги ахиллик, меҳнат интизоми ва тартиб-қоидага қатъий риоя этилиши орқали барча ютуқларга эришялмиш, - дея суҳбатга қўшилди бош энергетик, касаба уюшмаси раиснинг муовини Еркул Бобоев. - Ҳанга ийли ишларга 17 миллион сўмлик моддий кўмак берилди. Ижтимоий ҳимоя учун 8 миллион сўм сарфланди. Корхонага қарашли ёрдамчи хўжаликда эса 15 бош қорамол ва 40 бош қўй-қўзлар боқилаяпти. Шу ҳисобдан ишчиларга арзон нархда гўшт ва сут махсулотлари берилаяпти.

Туманда корхонанинг ўрни ва нуфузи банд. Аввало, иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоа бўлгани сабабли. Туман солиқини сақлаш бўлимига битта "Дамас"автомашинаси ҳада қилинди.Тумандаги 2-умумтаълим мактаби, Қизил ярим ой жамияти ва қўзи ожиз болалар интернатига ва ўнлаб ноғиронларга моддий ёрдам кўрсатилди. Сақоват ва хайрия ишлари корхона раҳбарининг айтишича, "Меҳр ва муруват йили"да ҳам давом эттирилади.

- Мақсадимиз битта, кам харажат қилиб сифатли ва кўп махсулот ишлаб чиқариш, - дейди хайрлашаркан Фазлиддин Абдуллаев. - Ана шунда фойдамиз янада ортади,қўлимиз узун бўлади.

Мақсуд АКРАМОВ

кашларга берадиган манфаати ҳақида муаллиф қисқа ва лўнда қилиб шундай деб ёзганди: "Хозиргача фаолият кўрсатиб келган жамоа хўжалиги аъзолари йил давомида бажарган иш ҳажмига қараб, асосий иш ҳақи, йил якунига кўра қўшимча иш ҳақи олиб келган бўлса, энди ширкат аъзоси учинчи маош - хўжаликдаги мол-мулк пайи улушига қараб дивиденд - қўшимча пул даромади олади. Нафақадаги отадиришади. Ана шу "куйдириши"лик баробарида баъзиларда гинаҳонлик ҳам туғил қолади. Бу масалада Исмоилжон Хусановнинг ҳос фикри бор. Айтадиги, иқтисод энг аввало инсон манфаатига, рўшнолигига хизмат қилсин.

"Ширкат хўжалиги туғри-сида"ти Қонун қабул қилингандан сўнг жамоа хўжаликлари ширкатларга айлантирила бошланди. Ана шу жараёнда баъзи бир нуноқ нотиклар боис янгиликни меҳнаткашларга тушутириб беришда анчагина тушунмовчиликлар ўртага қалқиб чикди.

2001 йилнинг январ ойида Исмоилжон Хусановнинг "Қишлоқ ҳаёти"да "Ширкатнинг қадами қўлғу келди" деб номланган таҳлилий суҳбат-мақоласи муштарийлар ҳўқмига ҳавола этилди. Унда ширкат хўжалигининг меҳнат

гард юқтирмади, Президентимиз Фармони билан "Шухрат" медали соҳиб бўлди. -Бундай обрў-мартабаларга эришмоқчи илдизи нимада?

Суҳбатдошим жиддий тортиди. -Албатта, меҳнат-да, - деди у қатъий. - Аммо бу гап фақат менгагина тааллуқли, дея тушуинган. Чунки меҳнатсиз халиг хеч ким чинакам бахтга сазовор бўлмаган. Бахти шундаки, болагимдан



Ким нимани ниҳат қилса ўшанга эришар экан. Абдурашид Ашуралиев, Аҳмаджон Зулдунов, Тўлқин Мухаммедов, Суярқул Абдуллаев ва шу каби хисобчилик касбининг фидойиларидан ҳаёт сабоқларини олдим. Сабаб, "Олмосга олмос сайқал беради" деганларидек, хисобчилар қадрини шу касб соҳиблари тeранoқ тушунади.

Суҳбатдошимиз хонасидаги тарихий, бадий ва илмий китоблар, газети ва журнал

таҳлилари Исмоилжон Хусановнинг ҳаётдаги энг катта бойлиги эканлигиндан далолат бeриб турарди. Шунда Исмоилжон Хусановнинг "Қишлоқ ҳаёти"га меҳри ўзгача эканлиги суҳбатимиз асосида яна бир бор бўй кўрсатди. Сўнгги вақтларда газета саҳифаларида эълон қилинган салмоқли мақолалар, хикматлар алоҳида сакланаётганлигининг гувоҳи бўлди.

-Афсуски, иқтисодчи журналистлар кам. Бу касбнинг оғирлигиндан бўлса керак. Баҳс-мунозарали мақолалар матбуотда кўпроқ эълон қилинса эди, қанчалар яхши бўларди. Бундай дейишга асос шукки, "ҳаётни иқтисод бошқаради".

С.Ашуров номли ширкат хўжалиги фаолияти ҳақида ёзсақ арзиғулик натижалар кўп. Хўжалик иқтисоди ривожланишда. Бозор иқтисодиёти тамойиллари ҳамиша ётибборди. Шундан бўлса керакки, хўжаликда меҳнат қилаётганлар иш ҳақи, қўшимча ҳақи ва дивиденд-ни ўз вақтида олишади. Хўжаликнинг бошқаларда ҳақи борки, қарзи йўқ. Ана шу иш бошида турганлардан бири Исмоилжон Хусановдир. У "Қишлоқ ҳаёти"нинг хўжаликдаги, қолаверса, тумандаги фаол тарғиботчиларидан бири. Олтинқўл туманининг обуна борасидаги кўрсаткичлари фикримизни исбот этади.

Кобилжон АСКАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

БОТУЛИЗМДАН САҚЛАНИШ!

Ботулизм озиқ-овқат махсулотларида заҳарланган касалликларни ичиди энг кўп учрайдиган ва оғир кечадиган турларидан бири. Касаллик келиб чиқилишининг асосий сабабчиси Clostridium Botulinum таёқчаларининг вегетатив шакли ишлаб чиқарган, оқсилдан иборат нейротоксиндир. Ботулизм таёқчаси анаэроб - яъни, кислородсиз шароитда ўсаядиган микроблар оиласига мансубдир. Бу микроб тоқсини мияда ва ичак шираси таъсирида ўз кучини йўқотмайди, қонга сурилиб, инсон организмни заҳарлайди.

Ботулизм касаллиги асосан уй шароитида тайёрланган ва тўлиқ ишлов берилмаган дудланган балик ва гўшт, сабзавот ҳамда мева консервларини истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқайди.

Аҳоли ўртасида ботулизм билан касалланган асосан ноябр ойидан бошланиб, май охиригача, яъни уй шароитида тайёрланган консерва махсулотларини истеъмол қилиш даврида кайд этилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, хозирда ботулизм асосан уй шароитида тайёрланган маринаданланган бодиринг, помидор, қалампир, қўзиқорин консервалари, баклажон икраси ва дудланган балик каби махсулотларни истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқмоқда.

Албатта, касаллик бошланиши биланоқ ўзининг янчали белгиларини яққол намойён этмайди. Беморда даставвал кўнгли айнаши, қайт қилиш, бош айланishi ва 1-2 маротаба ич кетиши каби белгилар қисқа вақт кузатилади. Агар бемор касаллик бошланишига эътиборсизлик билан қараса, унинг кейинги оғир босқичлари намойён бўла бошлайди. Тўш сўнги ортида ормоқ кузатилиб, тез-тез кекириш пайдо бўлади. Қоринда оғриқ ва дамланши ҳоллари ҳам учрайди. Қайт қилиш

ган маъқул, дейишади. Ботулизмнинг олдини олишда ҳам Давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати томонидан қўлгана ишлар амалга оширилмоқда, унга қарши курашиш чора-тадбирлари қўлланилмоқда. Жумал Икромов туманида санитария-гигиена қондалари рия этмаган ҳолда фаолият олиб бoргани учун 93 та ҳолатда озиқ-овқат махсулотлари билан савдо қилувчи ва умумий овқатланиш корхоналарининг фаолияти вақтинча тўхтатилди, 565 нафар шахсларга нисбатан жарима чоралари қўлланилди. Шунингдек, 422 та ҳодим даврий тиббий қўриқдан вақтида ўтмаганлиги учун ишдан четлатилди.

Маълумотларга кўра, ўтган йилда Ташкент шаҳри бўйича ботулизм хасталиги билан оғирган беморларнинг олти нафари ҳаётдан кўз юмишган. Албатта, булар ўз-ўзидан ёки тасодифан эмас, балки ўзлари ёки ўзгаларнинг эътиборсизлиги оқибатида юз берганлиги ачинарлидир.

Н.АБДУРАХМОНОВ, шифокор. Хусния ПАРДАЕВА, журналист.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги 2004 йил 2, 9, 16, 23, 30 МАРТ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING БИНОСИДА СОАТ 10:00 ДА АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.


Аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилади:

- 1. Хоразм вилояти, Урганч тумани, Гойбу қишлоғи С.Қаландаров номли ширкат хўжалигида жойлашган "Гойбурут" МЧЖ корхонасига қарашли иссиқхона, 10,792 кв.м. бошланғич нархи 78 259 200 сўм.
2. Хоразм вилояти, Урганч тумани, Гойбу қишлоғи С.Қаландаров номли ширкат хўжалигида жойлашган "Гойбурут" МЧЖ корхонасига қарашли Клуб биноси, 1167,98 кв.м. бошланғич нархи 27 827 015 сўм.
3. Хоразм вилояти, Гулстан тумани, Гулстон қишлоғи, "Гулстон" ширкат хўжалигида жойлашган "Гулстон" МЧЖ корхонасига қарашли сутни қайта ишлашга мослашган бино, 344,3 кв.м. бошланғич нархи 68 476 800 сўм.
4. Самарқанд вилояти, Нуробод тумани Улус қишлоғида жойлашган "Зарафшон" фермер хўжалигига қарашли ферма бинолари, 4355,31 кв.м. Умумий майдони 170000 кв.м. бошланғич нархи 20 000 000 сўм.
5. Андижон вилояти, Олтинқўл тумани, Хиндмозор қишлоғи, "Ҳақиқат" ширкат хўжалигида жойлашган "Сардор" МЧЖ ёпиқ хиссадорлик жамиятига қарашли бино ва иншоотлар, 3240 кв.м. бошланғич нархи 77 664 430 сўм.
6. Андижон вилояти, Олтинқўл тумани, Хиндмозор қишлоғи, "Ҳақиқат" ширкат хўжалигида жойлашган "Чортқоқ" МЧЖ корхонасига қарашли бино иншоотлар ва ишлаб чиқариш дастгоҳлари. Бошланғич нархи 47 359 533 сўм.
7. Андижон вилояти, Балқич тумани, Чинобод қишлоғида жойлашган "Чинобод" фермер хўжалигига қарашли универмаг ва омборхона бинолари. Бошланғич нархи 86 998 796 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектлар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдориди гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Ташкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

"Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Универсал Биржа Маркази" "PALLADIUM SERVIS" шўба корхонасига қарашли босимли тақсимловчи мослама (Регулятор напряжения ИР-59/22-У фазный 160 Ква, 380 В) биржа савдоларига қўйилади. 40 дона, бошланғич нархи 15000000 сўм. Мурожаат учун манзил: Ташкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93



АСИРЛАР ОЗОД ЭТИЛАДИ

Бундан бир ҳафта аввал Исроил ҳукумати ва Ливаннинг террорчи ташкилоти "Ҳизбуллоҳ" ўзаро асирларни айириб қилиш хусусида келишувлар олиб борган эди.

Нихоят, Исроил томони бу келишувга рози бўлди. Асирларнинг алмасув жойи сифатида Германия давлати танланди. Расмий Тел-Авив Германияга 30 нафар араб миллатига мансуб асирларни, "Ҳизбуллоҳ" ташкилоти эса ўғирлаб кетилган бизнесмен Элхан Теннинбаум ва 2000 йили Ливан чегарасида қўлга тушган уч исроиллик аскарларнинг жасадини юборди. Германиядаги алмасувлар фақат халок бўлган уч аскарнинг жасади шифокорлар томонидан текширилиб, уларнинг шахси аниқлангандан сўнг амалга оширилади.

ПХЕНЬЯНИНГ ТАКЛИФИ

Корея Халқ Демократик Республикаси Нигерия давлатига ўзининг ракета ишлаб чиқариш технологиясини тақдиф этган. Бу ҳақида Нигерия ҳукумати вакили айтиб ўтган.

Яқин кунлар ичиди бу икки давлат ўртасида ракета технологияси борасида келишувлар олиб бoрилди. Шимолий Кореянинг вице-президенти Ян Хён Сон Фарбий Африка давлатларига беш кунлик ташрифи чоғида Нигерия вице-президенти Атигу Абубакар билан бўлиб ўтган расмий учрашувда шу ҳақида келишиб олишди. Нигерия ҳукумати вакилининг сўзига кўра, Шимолий Корея ракета технологияси билан бирга мудофаа борасида ҳамкорлик ва харбийларни қайта тайёрлашни ҳам тақдиф этган. Ракеталар технологиясига келсақ, улар ядровий ёки оммавий қиргин қуролларидан йироқ эканлигини ҳам нигериялик вакил таъкидлаб ўтди.

НАВБАТДАГИ ТЕРАКТ

Ироқ пойтахти Бағдод марказидаги чет эл журналистлари ва элчихона вакиллари яшаб келаятган уч қаватли "Шахин" меҳмонхонаси ёнида кучли портлаш содир бўлган.

Теракт оқибатида 4 киши халок бўлган ва беш нафар одам жароҳат олган. Меҳмонхона хизматчиларининг сўзига кўра, бино томон катта тезликда "Тез ёрдам" машинаси яқинлашиб келган ва бино деворига қелиб урилган. Орадан бир неча сония вақт ўтиб, портлаш содир бўлган. Меҳмонхона биноси жиддий талафот кўрган. Ироқ полиция хизмати бошлигининг BBC News ахборот агентлигига берган маълумоти-ча, террорчи-камикадзеларнинг бундай усул, яъни "Тез ёрдам" машинаси орқали хужумларни амалга оширганлиги кўп бора кузатилган. Чунки бу машинадан хеч ким шубҳа қилмайдди. Террорчи-камикадзенинг шахсини аниқлаш гумонлигича қолмоқда. Унинг жасади деярли йўқ бўлиб кетган.

МАРСДА ЭКСПЕДИЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ

Американинг NASA агентлиги томонидан Марс сайёрасига учирилган иккинчи робот-аппарат - "Оппортьюнити" ерга ўзининг илк фотосуратларини юбориши бошлади.

"Қизил сайёра"да изланишлар олиб бoраётган "Спирит" аппаратига қарама-қарши томондан "Оппортьюнити" ўз "саёхатини" бошлаган. Уни робот-аппарат томонидан узатишган фотосуратлар ҳам аввалгилари каби Марсда бир вақтлар сув бўлгани ва у ердаги об-ҳаво намгарчиликдан иборат бўлганини тасдиқлаб келмоқда.

"Оппортьюнити"нинг электр таъминотида вуқудга келган техник носозликлар унинг экспедициясига таъсир қилмапти, деб ёзади CNN ахборот агентлиги.

ҚАРОҚЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Индонезия ороллари сувлиқларида шахсий ва тижорат кемаларига бир неча марта ҳужум уюштирганликда айбланиб келинаётган денгиз қароқчилари гуруҳи қўлга олинган.

Хозирча уларнинг шахслари сир тутилмоқда. Халқро денгиз бюроси (International Maritime Bureau) ҳисоб-китобига кўра, дунё бўйича биргина 2003 йилда 445 кемага ҳужум уюштирилган бўлса, шулардан 131 таси Индонезияга тегишли экан. Ҳанга йили 359 денгизчи асир олинди, 21 одам ўлдирилган ва 71 таси бедарак кетган. Индонезия денгиз қароқчилари эса бир йилда 10 та денгизчилик умирга зомин бўлган. Халқро денгиз бюросининг фикрича, қуруқликда террорчилар бўлса, сувликда қароқчилар. Уларнинг ҳаракатлари бир хил, яъни жиноят, шунинг учун денгиз қароқчиларига нисбатан қаттиқ чора-тадбир қўллаш керак экан.

АҚШ ҲАРБИЙЛАРИ ТЕРРОРГА ҚАРШИ

Кремлда Россия президенти Владимир Путин ва АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.


Суҳбат чоғида Колин Пауэлл Грузияда АҚШ ўзининг ҳарбий базаларини ташкил этиш ниҳоятда эҳтимоллигини, фақат у ердаги ҳарбий инструкторлар халқро терроризмга қарши курашда грузин мудофаа кучларининг потенциални мустахкамлашга қўмак бераётганини айтиб ўтди. Давлат котибининг бу фикрларини Россия ташки ишлар вазири Игор Иванов ҳам тасдиқлади. Шу билан бирга, Игор Иванов Грузиядаги Россия ҳарбий базалари хусусидаги муаммолар махсус тузилган иш гуруҳлари даврасида хал этилишини ҳам айтиб ўтди. "Интерфакс" ахборот агентлигининг маълумотига кўра, АҚШнинг Грузиядаги ҳарбий инструкторларининг амалиётлари ўз якунига етиб қолган ва хозирда уларни олиб чиқиб кетиш тадбирлари қўрилмоқда.

ИНТЕРНЕТ ҲАРБАРИ АСОСИДА ШЕРМАТ САНАЕВ ТАЙЁРЛАДИ.

Малое предприятие "Цемтеплострой" Юнусабдского района г.Ташкента преобразуется в ООО "DO SMASH". По всем вопросам можно обращаться по адресу массив Юнусабд-6, ул.Джума Масжид, "Цемтеплострой". Тел.: 187-46-47.

ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ СОҲИБЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН! ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарактлар ҳосилини турли зарарқунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. Улардан дезинфекция қилишда, йўл ёқаларидаги ўт-ўланларни йўқотишда ҳам фойдаланиш мумкин. "Узқишлоқхўжаликмашхўлдинг" компанияси таркибидаги "Агрехим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва б ишдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти. Пуркагичларни маблағ ўтказиш ва нақд пул тўлаш йўли билан сотиб олиш мумкин. Қўшма корхона шундай пуркагичларни тўзатиб, таъмирлаб ҳам беради.



Манзил: Ташкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал - Шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел.: (99871) 169-35-46, 169-49-33; Факс: 169-49-44.



Давоми. Боши ўтган сонда.

Матбуот саҳифаларида ўқиганим бор: Аёл ўз гўдаги уйқусини бузаётганига чидай олмай, уни даст қўтариб сув тўлғизилган ваннада чўктириб ўлдирди. Бу нима? Қандай шарҳ керак бўлган?

19 ёшли киз қўчадан орттирган боласини тонг азонда Курок шаҳридаги ахлатхона уюмига ташлаб кетди. Чақалокни ит-мушуклар хом-ташлаб қилиб гажиди. Шаҳар дахшати қотилликни сезмасдан уйғонди.

Кўрқинчли қотиллар, одамхўрлар, манялар ҳақида кўп ўқиймиз. Бу қасосатларнинг миқсиди қандай вос-вос, жазави ин қуриб олганлигига ҳоҳида етук руҳшунослар ҳам

ланиб бўлди. Қадимги Рим қон тўла жанг майдонига боқиб мастана соллиниб, ҳайкириklar, қўвонча тўла бақир чакрларга кўмилиб Гладдиаторлар урушини кузатиб ўтирар эди. Уша даврдаги император Калигула васвасига йўлиққанидан Гладдиаторларнинг ўлим билан тугайдиган мусобақасини театр томошаси, деб тушунар эди. Император Вителлейнинг қонсевадлиги, ваҳшийликка ўчлиги Клавдий ва Калигулаларникидан ҳам ошиб тушди. Вителлей ўзининг туғилган кунинда Римнинг барча даҳасида Гладдиаторларнинг қонли беллашувини ўтказди. Император Тит эса бу томошани роплароса 100 кун давом эттирди. Одамлар қондан, дахшатли

ган қизларнинг иссиқ қонига тўлдирилган ваннада чўмилишни яхши кўрарди. Қон тўлдирилган ваннада чўмилётганда хоним ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этарди. Бундан ташқари, баданга роҳат бағишлаган нарсга фойдаланиш хонимларда: гўё ёш қизларнинг иссиқ қонлари гўзалликни мустаҳкамлар эмиш. Ялмоғиз 650 нафар деҳқон қизларининг ёстиғини қурилади...

Бу баттол хотин қонга тўла ваннада чўмилётган кезде шунчалар фароғат оғушида қолар экан, унинг албатта, кўпирган қонни ҳовучлаб ичганига ҳам шубҳа қилмасди бўлган. Шундан кўринадигани, бу қонхўр ва иблис хонимнинг ҳам, юқоридаги бету-

лик, ахлоқсизликнинг юқори, авж пардада қўйилишига ёқа ушлайсан киши. Ўзувчининг ақли-хуши жойидалигига ишонмайсан, билмас уни ҳарқадар найрангбоз, ўзини ҳарқандай баттолликдан тиймай ёстиқ устига чиқиб олади. Қиз эса бу ҳолатни маза қилиб, сурурланиб, ақли хушидан айриллар даражада завқланиб кузатади. Алалхусус бир кун, шу кўгирчоқ ўзига ўхшаган жўфти (қиз яна битта жонли кўгирчоқ топиб келади) билан биргаликда ваннада чўмилётган қизни ҳам сўйиб ташлайди, асфалосилингга кузатади. Шундай қилиб иккита иблис кўгирчоқ бутун шаҳар бўйлаб қонли юриш қилади ва дуч келган оқсиз-маъшукларни ўлдириб кетаверади.

Кейинчалик тушиниб қолдим. Бугунги Европа орадан 200 йил ўтиб Маркиз де Саднинг ёвузлик ва фахш тўла қонли китоблари асосида шу фильмни яратди. Бу нима дегани? Ўзузликни улуғлашми? Бу фильмни яратишдан мақсад нима? Уни телеэкранга олиб чиқаришдан мақсад нима? Ишоним қилиш, шу кинони микхланиб томоша қилган болаларимиз ётоғида чирокни ўчириб ухлай олмайди. Худо кўрсатмасин, шу қинодан сўнг уйсираб уйғонган қизалок қравоти ёнидаги кўгирчоққа сурлиб кетса юрак ўйноғи бўлиб қолади. Бола руҳияти бундай зарбани кўтаролмайди. Бунга чидаган, ҳузур топган болалар эса ҳеч нарсдан топ-тортмас, ёвузхўр бўлиб тарбияландилар.



АФИНАГА ЙЎЛЛАНМА

Москвада 31 январдан 2 февралгача юнон-рум кураши бўйича Иван Поддубний хотирасига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтади.

Афинада ўтадиган ёғи Олимпиада йўнларига йўлланма берувчи ана шу нуфузли турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади. Юнон-рум кураши бўйича бир қатор халқаро турнирларда иштирок этган терма жамоамиз вакилларидан Камол Холматов, Дилшод Орипов, Аслиддин Худойбердиев, Баҳодир Қурбонов, Руслан Биктянов, Дмитрий Доторашвили ва Евгений Ерофайловлар ўз вази тоифаларида хорижлик рақибларига қарши гиламга чиқадилар.

ИЛК ГАЛАБА

23-25 январ кунлари Москва шаҳрида дзюдо бўйича "Гран-при" супер "А" тоифасида бўлиб ўтган халқаро турнирда мамлакатимиз терма жамоаси сафида ҳаракат қилган Абдулла Тангриев нуфузли мусобақанинг бешта олишувидан ўз вази тоифасида рақибларни қурагини ерга теккизиб, олтин медални қўлга киритди.

47 мамлакатдан ташриф буюрган дзюдочилар орасида терма жамоамизнинг яна бир азаси Шокир Мўминов ҳам 5 та беллашувини тўрттасида галабага эришиб, фақатгина финал босқичида қорейлик жаҳон чемпиони-га имкониятини бой бериб қўйди ва кумуш медал билан қифояланди.

БОКСЧИЛАР РИНГДА

Фаргона шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежи мажмуасида 1985-1987 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Фаргона вилоят биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Мурасасиз ва қизикarli кечган беллашувлар якунида фарғоналик Сардор Абдуллажонов, Расул Рустамов, кўнглик Нодир Мадалиев, Фозил Тошхўжаев, Илбол Ҳамдамов, Раҳмонли Мамажонов, Беход Миррахимов, марғилолик Санжар Маъдалиев, қувасойлик Баҳодир Йўлдошевлар вилоят чемпионлигини қўлга киритишди.

ШАРТНОМА УЗАЙТИРИЛДИ

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" футбол клуби бош мураббийси Алекс Фергюссон жамоа билан янги шартнома имзолади.

Энди у "қизил иблислар"га 2005 йилгача мураббийлик қилади. Шартномага биноан шотландиялик мутахассис янги 4 миллион фунт стерлинг маош олади, дея хабар беради

ИТАР-ТАСС.

Фергюссон "Манчестер Юнайтед"га 1986 йилдан буён мураббийлик қилиб, 18 йил давомида жамоа билан 8 марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

СЫЧЕВ - "ЛОКОМОТИВ"ДА

Россия футбол терма жамоаси ҳужумчиси Дмитрий Сычев Москванинг "Локомотив" клуби билан 4 йиллик шартнома имзолади.

Лекин 20 ёшли ҳужумчи "Локомотив"га чемпионлар лигаси бахсларида ёрдам бера олмайди, чунки у "Марсел" таркибида тўп суришга улгурганди.

"Локомотив" президенти Валерий Филатов сузларига қараганда, 27 январ кун сўнги битимлар имзоланган ва Сычев бугун янги жамоаси билан ўхв йигилгани ўтказиш учун Германияга жўнаб кетди.

Футболчининг агенти Павел Андреев "Спорт-Экспресс" газетасига берган интервьюсида қуйидагиларни таъкиллади: "Мухомин, Сычев кўпроқ уйнаш имкониятига эга бўлди. "Марсел"да кўпроқ ўнг қанот ариям ҳимоячиси сифатида тўп сурди. "Локомотив"да эса у фақат ҳужумчи сифатида ҳаракат қилади".

"ЧЕЛСИ"ДА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

Лондоннинг "Челси" футбол клубини 1 февралдан бошлаб янги президент бошқаради. Бу вазифани "Манчестер Юнайтед"нинг собиқ президенти Петер Кеньон эгалламоқда.

Жаноб Кеньон клуб билан шартнома имзолаганидан мамнун. Кеньон 2000 йил августда "Манчестер Юнайтед"га келганди. Унинг "Манчестер"дан кетишига жамоа мураббийси Алекс Фергюссон билан шартномани узайтиргани сабаб бўлганди. Уни бир муҳим шарт билан "Челси"га президент этиб сайлашди.

Янги президент этиб сайлашди. Янги, у Англия терма жамоаси мураббийси Свен Горан Эриксонни Лондон клубини бошқаришга кўндириши керак.

Шартнома 5 йилга имзоланган бўлиб, Кеньон йилга 5 миллион фунт стерлинг маош олади. INTERNET хабарлари асосида Ф.АБИЛОВ тайёрлади.

ЎЗУЗЛИКНИНГ МАКОНИ ҚАЙДА?

лол қолади. Бу ёвузликнинг суяк суришиши, қонхўрнинг қайси бир авлоди дажжол ўтгани, ё болаликда қушларни қийратиби, мушуклар қонига чўмилиб ҳузурланган иблис улғайган одам қонини кумсаб қолдири? Қонни кўриб ташлаш, лаззатланиш алаолоқибат одамни кутуртиради. Юрагидан шафқат деган тушунча ситиб чиқарилади. У ер устида ивириб юрган ваҳийи ҳайвонга айланади.

Қадимги дунё тарихидан маълум: Инсон қонини кўриш, уни томоша сифатида қабул қилиш кўнча Римда оммавий тўсга эга бўлган, урф даражасига кўтарилган эди. Эраимиздан аввалги III асрда гладиаторларнинг қонли ва фожияли беллашувига байрамона кайфият беришдан ташқари, жанг учун махсус майдонлар, иншоотлар барпо этилди. Ҳатто Гладдиаторларнинг тўқнашувини ёйилгандан ёйилиб, сувлиқда ҳам ўтказиладиган бўлди. Бутун Рим ахли бу тахлит йирткичона, қонхўрлик акс этган олишувнинг ашаддий муҳлисига ай-

олишувдан жазавига минишади. Тарихий манбаларда ёзилишича, уша кезлар, яъни 123 кун мобайнида 10 минг нафар Гладдиаторнинг боши кесилди. Рақиблар бир-бирининг қонига чўмилиб, ичкачавоғини чиқариб ташлашади. Кўзи қонга тўлиб ақлдан озган кўйи бир-бирга кутуриб ҳамла қилишади. Томошабинлар эса, бундан ҳузурланади, майдонда ярадор бўлиб тўлғанаётган Гладдиаторларни ҳақоратлайдилар, лаънатлайдилар. Хуллас, бундай қабиллик, разолат то Рим тепасига ақл-хуши жойида, эзузликларимператор келмагунга қадар давом этади. Яъни, ўша даврда вос-восга йўлиққан одамларнинг феъл-атвори, ақл тизгини ёвузлик дастида турарди.

Козок шоири ва жамоат арбоби Мухтор Шохонов шундай ёзади: «Одамнинг сочини тикка қилиб юборадиган ҳодисалар тарихда кўп бўлган. Мисол учун XVII асрда яшаган қонхўр аёл, мижор графиниси Елизаветта Ботторни олиб қўрайлик. Бу аслзода хоним махсус ўлдирил-

бугун Европа хонадонларини кезиб юрибди, минглаб нусхаларда чоп этиляпти. Яна бир хавфли томони — йуналин хавосида учган китобсатарлар томонидан бизга ҳам онда-сонда келиб қоляпти. Бундан икки-уч ой олдин Россия телевидениесида қотил кўгирчоқлар ҳақида кино кўрсатишди. Мен бу фильмни аввал ҳам ўша калларнинг бирини кўрган эдим. Мазмунини айтсам кўпчилигини эслайсиз. 18-19 ёшли келишган Европа қизли ақлақардан бир иблисмонанд, кўзи гилай кўгирчоқни олиб келади. Хуллас, кўгирчоққа жон қиради. Қизнинг қаерданнинг пайдо бўлган тақасалган ҳазмани, қулқок бурнига сирга тақиб олган замонавий «жўжухўр» ўз машуқаси билан кўнгли-хушлик қилиш учун тўшака отилади. Қиз одатдагидай унинг оёқ-қўлини чорпога қилиб қравотга занжирлаб боғлайди. Шунда жон қирган кўгирчоқ ўзини йигитнинг устига ташлайди ва бурнидаги сиргани тортиб узиб олади ва йигитнинг сирга тан-

Тўғрилик - саодат эрур

Хозир ўғирламасан, пора бермасан, ёлгон гапирмасан, мунофиқлик қилмасан, кун кўролмайсан, деган ақида уни бутунлай сеҳрлаб олган. Сузсиз, ҳаётда бундай иллатлар илдиз отган. Бироқ тўғрилик бор. Бўлганда ҳам оз эмас. Ҳар биримиз уларни учратиб турамиз. Лекин эътибор бермаймиз. Негаридан долдайми-у тўғридан ибрат олаймиз? Агар ибрат олганимизда, ҳаётда эгрилик қаймаган бўлармиди. Абдуқосим Фирдавсий:

Қайда равшан бўлса тўғрилик нури, Эгрилик сўнади, куйидай шўри, - деб бежиз айтмаган. Демак, ҳаётимизда тўғрилик қўлайса, эгрилик қамаяди. Ҳаммаси ўзини бағлик, Шубҳасиз, инсонга атрофдаги муҳит, вазиат таъсир қилиши мумкин. Натижада у мослашади, қарабиски, ўзгариб, бутунлай бошқа одам бўлиб қолади ва даврининг ногорасини қоқаверади. Бироқ ўзгармайдиган, тўғрилиқда қатъиятли одамлар бўлади.

Мен Сирдарё вилоятида ўттиз йил ишлаб, Мирзачўлнинг дегарли барча машҳур одамлари билан кўп мартабала мулоқотда бўлганман. Гектаридан 7-8 центнердан пахта ҳосили олиб, 25 центнердан олдиқ, деб аҳолинос солган "машҳур" директорларни ҳам, машинада 50-60 тонна пахта териб, 250-300 тоннадан оширдик, деб рапорт берган "донгдор" механизаторларни ҳам, Москвага бориб вилоят раҳбарига ҳақрамонлик унвонини ундириб келишни ваъда қилган "кўли узун" раисларни ҳам кўрдик. Хуллас, ўшанда эгриликнинг йўллари кўп эди.

Шунга қарамастан, бу йўллардан қормайдианлар ҳам бор эди. Бёвузлик асл деҳқон Турсунбой Латипов ана шундай эди. Биз журналистлар бу инсон ёлгон гапирганлигини, қуруқ ваъдалар берганлигини, қатта раҳбарлар олдида тилбегламалик қилганлигини, нотўғри маълумот берганлигини, муҳбирларга манзират кўрсатганлигини эслаб олаймиз. Турсунбой ақининг турган турши тўғри одам эди. Фақат меҳнатнинг орақсида, ҳаётда тўғрилик билан обрў-эътибор топди. У минбар қилиши эмас, дала одами эди. Кўни билан даладан чиқмасди. Машҳур раис бўлса-да, доим дала шийнонида оддий деҳқонлар — сувчилар ёки чопчиқлар даврасида, бўлса бир қоса шўрва, бўлмаса нон-чой билан тушлиқ қиларди. Уруш катнашчиси, деҳқончилик фидойиси, кишлоқ отахони, камтарлик ва тўғрилик тисмоси бўлган Турсунбой Латипов ҳаётда яхши ном қолдириб кетди.

Сир эмас, одамлар орасида машҳур кишилар эгри ишларга мойил бўладилар, деган фикр юради. Бу бор ҳақиқат, бироқ ҳаммаси ҳам эмас. Эгри ишлардан қирқанадиган машҳурлар бор. Мен Мирзачўлда қўшиб ёзиб ва маълумотларни сохталаштириб, қўзғабумачилик билан шуғулланадиган, орден ва унвонларни сотиб оладиган, мансаб-мартаба ва лавозим ҳақида депутатлик мандати устида савдолашадиган машҳурларни кўрганман. Улар турли эгри йўллар билан ўз мақсадларига эришар эканлар, нималарга қодир эканликларини тақабурлик билан очиб айтишарди. Ана шундайлар орасида тўғрилик билан

мақсадга эришиб, машҳур бўлганлар ҳам бор эди. Мен Сирдарё кизи Назира Йўлдошевани назарда тутялман. Назира опа дастлаб Сирдарёнинг кизи сифатида танилган бўлса, кейин Сирдарёнинг онахони сифатида машҳур бўлди. Назаримда, тўғрилик ҳаммиса Назира опа ҳаётининг устуни бўлиб келган. Базиллар машҳурлик отига миниб олганидан кейин пойгада йиқилиб, шарманда бўлмаслик учун эгри йўллардан фойдаланадилар. Бироқ Назира опа пойгада орда қолганида ҳам қинғир ишга қўл урмади: қўшиб ёзмади, ёлгон маълумот бермади, обрўни пулга сотмади, айбни ерга, об-хавога, уқувсиз деҳқонга, сутоис сизигра тўнмади. Ҳаммаси учун ўзини жаовбар, деб билди. Машҳурлик пайтида ҳам оиладаги новвой, ошпаз, тикувчи, ямоқчи, тарбиячи сифатидаги бурчини тўкс адо этди. Сирдарёнинг кизи тўғри яшаб, тўғри ишлаб, тўғри гапириб Мирзачўлнинг фахри бўла олди.

Саидмурод Тиллаҳўжаев деган журналистни ким билади? Ишончим қомил, билмайдиганлар топилади. Биладиганлар эса: "Ҳа, анови тўғрисўз, эгриликдан фиғони чиқиб, ҳақиқат йўлида ўзини фидо қиладиган одамимиз" дейишади. Мен Саидмурод ака билан бирга ишлаб кўрганман. У тўғрилиқдан ҳеч қачон тоймаган, тоймайди ҳам. Тиллаҳўжаев бундан 45 йил олдин журналистлик дипломи билан Ўзбекистон радиосига ишга келган эди. У ҳамон сафда. Тўғри сўзлаб, тўғри ишлаб, тўғри юриб, тўғри туриб саодатга эришди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвонининг гувоҳномасини шахсан Президентнинг қўлидан олди. Радиодаги ҳаммасилари орасида халол-поқ, камтарин, маънавияти юксак, тўғрисўз журналист сифатида танилди. Журналист учун бундан ортик саодат борми? Қувончлисиз шундаки, Саидмурод Тиллаҳўжаевга ўхшаганлар орамизда ақлаёғиз эмас.

"Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада ҳулқингиз чиройли бўлинг" дейилади Ҳадисда. Пайғамбаримизнинг бошқа бир Ҳадисиде: "Мен ҳам ҳазил-мутойиба қиламан, лекин ҳақ гапни сўзлайман" дейилган. Демак, тўғрилик аввало чиройли хулқдан ҳамда ҳар доим, ҳатто ҳазил пайтида ҳам тўғри сўзлашдан бошланар экан. Тўғри сўз ва умуман, тўғрилик ҳукмрон бўлган жойда ивго, фитнес, физик-фасод, ҳасад, миш-миш бўлмайди, гина-враз ва гараз кўтарилади, ўзаро ишонч ва ҳурмат, диёнат ва эзузлик қўним топади. Ҳадисда айтилганидек, "Тангрининг наздида тўғри сўздан ортик садақа йўқир". Айтинг-чи, инсонга бундан ортик яна қандай муқофот керак? Ҳар бир тўғри сўзми, ҳаётдаги ҳар бир тўғри қадимимиз садақа ўрнига ўтса, савабга қўмилиб қоламиз-ку! Биз учун бундан ортик саодат борми? Азиялар, келинлар, эгриликни унутиб, саодат ва эзузлик йўлини — тўғрилиқни танлайлик. Буюқ мутафаккир ва донишманд шоир Саъдий Шерозий айтганидек:

Ҳақонда тўғрилиқдан яхши иш йўқ, Тўғрилик гулида тикан-у ниш йўқ.

Иброҳим НОРМАТОВ



Хаёл оғушида. К. УЛМАСОВ олган сурат-лаҳза.

УЧРАШУВ АДИБ ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетинида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Ҳошимов билан ижодий учрашув бўлди. Адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов учрашувни очар экан, халқ меҳрига сазовор бўлган адибнинг машҳур асарлари ҳақида сўзлаб берди.

Шундан сўнг Уткир Ҳошимов учрашув катнашчиларига ўзининг ижоди, ёзиш услуби, асар қаҳрамонлари ҳақида гапирди. Адиб "Икки эшик ораси" романига тўхталиб, асарнинг бош мавзусида инсон, унинг тақдири ва одамзот бошига бемисл қулфат келтирган уруш ҳақида сўзлади. Адиб бадиий асарнинг қиммати ва яшовчанлиги тўғрисида тўхталаркан, жумладан шундай деди: "Америкалик машҳур адиб Эрнест Хемингуэйнинг яхши гапи бор, "тўрт нарсаси: севги, меҳнат, уруш ва ўлим ҳақида ёзинг, у асар бадиий яшайди". Мен бу фикрга тўлиқ қўшилман ва шунга қатъий ишонман. Семинар тарзида бўлган учрашувда ЎЗМУ олий адабиёт курси талабалари ва бўлажақ филологлар ўзларини қизиқтирган саволларга жаовлар олди. Ермамат ЭҒАМБЕРДИЕВ

СКАНВОРД

Scrabble word search grid with clues and words. Clues include: Рост, Руҳан қаттиқ эзилган, Ҳали очилмаган гўл, Нолшонсиз, Ўзпичиниқ гораши, Йирик йиртич ҳайвон, Курбон, Россия шарқидagi дарё, Тангра рингидagi фарқ, Ҳужа Насриддин, Қоллектиб, Қадимги қабилла, Инсон, Адиб, Бутуннинг тўртдан бири, Жабр, Охири поён, Авиа русуми, Таёқ, Дада (шевада), Қолип, Дам, Милли метр (исқартмаси), Дуккакли ёсимлик, Куршов.

Boш муҳаррир Ўткир Раҳмат, МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар, ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона: 136-58-83, ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, Реклама ва эълонлар бўлими, МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Ташкент, Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жаовбар, Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ